

БЕҲЗОД      МИРКОМИЛ

# МУҲАББАТИМ

*шеърлар*



Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2005


84(54)6-5 Ёшларнинг адабиёти  
Шеърлар

«Сени соғиндим». «Муҳаббатқасри» тўпламлари билан  
сизга таниш бўлган Беҳзод Миркомиллов янги шеърларини,  
демакким, янги туйғуларини, янги армон ва қувончларини  
Сизга тақдим этмоқда. Беҳзоднинг ушбу шеърлари  
олдингиларидан маҳорат жиҳатидан ҳам, дунёга тирафтоқ  
нигоҳ ташлаш, ўз қалби билан ҳамсуҳбатлик нуқтаи  
назаридан ҳам сезиларли фарқ қилади. Ҳайратангизки,  
ижодкорнинг ушбу тўплами ҳам сизга манзур бўлади.

6031932  
081

ISBN 5-633-01793-5

© Беҳзод Миркомиллов «Муҳаббатим». «Янги аср  
авлоди», 2005.



## БИР ҚИЗ ҚАРАШИ

Деразанинг олдида,  
Бир қиз сочин тарайди.  
Кўчасидан ўтганда,  
Менга маъюс қарайди.

Менга боққан бу қизнинг,  
Бунча кўзлари шахло.  
Ой деса ойдан гўзал,  
Гўзалликда-ку танҳо.

Юзларида табассум,  
Сочлари узун-узун.  
Кўчасидан ўтганда,  
Кўраман уни ҳар кун.

Хаёлимни олган қиз,  
Билолмадим исминни.  
Унутолмадим сира,  
Унинг гўзал ҳуснини.

Шу қизни ҳар дақиқа,  
Юрак тинмай сўрайди.  
Мени ҳар гал кўрганда,  
Нега маъюс қарайди?

Ёқаманми ё унга,  
Ундайин бўлса майли.  
Мен мажнуни бўлайин,  
У бўлсин менга Лайли.

## КЕРАК ЭМАС

Керак эмас менга нозларинг,  
Бу меҳрсиз шаҳло кўзларинг.  
Унутганман мен барчасини,  
Керак эмас ёлғон сўзларинг.

Соғинмайман сени ҳеч қачон,  
Майли ўтсин севгисиз умрим.  
Лек қайтмайман қалбингга асло,  
Азоб чекса, қийналса дилим.

Сўрамайман энди севгингни,  
Унутганман мен сени билсанг.  
Бевафо бўлмасдинг агарда мени,  
Юракдан, юракдан, юракдан севсанг.

## **ФАҚАТ СЕН УЧУН**

Телба бўлди Мажнун севгига,  
Менда ҳам бор шундай муҳаббат.  
У курашган Лайлиси учун,  
Мен сен учун яшайман фақат.

Илҳомим бор дарё сингари,  
Севиб-севиб шеър ёзаман мен.  
Қалбимда бор меҳр, садоқат,  
Мен сен учун яшайман фақат.

Агар кетсанг қайга бўлса ҳам,  
Ўзинг билан мени олиб кет.  
Ҳаётим сен, ўзингсан севгим,  
Мен сен учун яшайман фақат.

Соғинади, не қилсин юрак,  
У қилмади севгимга шавқат.  
Чунки ўзинг мен учун керак,  
Мен сен учун яшайман фақат.

Агар бўлса йўлимда тўсиқ,  
Севгим учун қиламан тоқат.  
Қайда бўлма жоним, барибир  
Мен сен учун яшайман фақат.

## СЕВГИЛИМ

*Девона ошиқман, мен бир девона  
Айтинг сиздан булак кимим бор яна.  
Муҳаммад Юсуф*

Девона ошиқман, мен бир девона,  
Айтияг сиздан бўлак кимим бор яна.  
Кечаю-кундузи бўлсам парвона,  
Сизга ким мендайин интизор яна.

Кўкларга кўтарай сизни севгилим,  
Менинг боғимдаги гўзал бир гулим.  
Сиз менинг баҳорим, орзу-умидим,  
Сизни кўрганимда қувонар дилим.

Ул сизким, покиза шундай фаришта,  
Ёлғон эмас ёрим ушбу сўзларим.  
Қаерда бўлмайин хаёлимдасиз,  
Соғинар ҳар лаҳза сизни кўзларим.

Сиз ҳам севсангиз мени шундайин,  
Фақат мен билан қолнинг маликам.  
Севгимиз олов бўп ёнсин кун сайин,  
Сўнмасин қалбдаги меҳримиз ҳеч ҳам.

## ЁМҒИР ЁҒАР...

Ёмғир ёғар, кўзларим маъюс,  
Томчи-томчи тўкилар ёшим.  
Қалбим менга айтмоқда бир сўз,  
Эшитмайин эгилар бошим.

Қулоқ тутсам унинг сўзига,  
Яна қайтар ғамгин хотирам.  
Айбим менинг равшан ўзига,  
Гуноҳимни кечирмас деч ҳам.

Ёлвораман, ёмғир ювиб кет,  
Қалбимдаги бу ҳис-туйғуни.  
Қаро ерга майли кўмиб кет,  
Унутайин олам, қайғуни.

Қийналганим етмасми айтгин,  
Ёки яна берарсан жазо.  
Ҳасратларим кетмасми айтгин,  
Юпанчимсан ёлғиз сен, Худо.

Сендан ахир сўрамадим кўп,  
Истаганим яхшилиқ эди.  
Дўст дейсанми, у ҳам менда йўқ,  
Ёмғир ёғгин қалбимга энди.

## СЕВМАЙСАНМИ Ғ?

Менинг севгимни,  
Хору зор этиб.  
Сен узоқларга,  
Қолдингку кетиб.

Не эди айбим,  
Азизам айтгин.  
Ёлворамаи мен,  
Ёнимга қайтгин.

Севги азоби,  
Дилимни ёқар.  
Кўзимдан ёшлар,  
Ёмғирдек оқар.

Севгимдан кечмоқ,  
Нақадар огир.  
Қандайин сендан,  
Айрилай ахир.

Кераксан ўзинг,  
Менга доимо.  
Тўғрисиин айтгин,  
Севмайсанми ё ?



## ДЎСТЛИК ВА СЕВГИ

Қалбимда бор гўзал туйғулар,  
Бири дўстлик, бири муҳаббат.  
Бу туйғулар қолади мангу,  
Улар яшар мен билан абад.

Дўстлик менинг ёлғиз сирдошим,  
Севги берган ҳаётга ишонч.  
Иккиси ҳам менинг сафдошим,  
Менга берган бирдайин қувонч.

Дўстлик – менинг ҳаётим, борим,  
Севги - эса гўзал баҳорим.  
Мен уларни асрамоқдаман,  
Мен улар деб яшамоқдаман.

Севги шодлик, сеvgи куй-қўшиқ,  
Севги ҳаёт гўзаллигидир.  
Инсонларнинг бахтиёрлиги,  
Ҳаётдаги чин дўстлигидир.

Қалбимдаги бу икки туйғу,  
Ҳаётимда қолади мангу.  
Севги менинг баҳорим бўлур,  
Дўстлик дилда абадий қолур.

## ШОИР ЭМАСМАН

Мағрурланма бўлсанг бадавлат,  
Сен ҳам инсон худди шундайин.  
Шоирликка шоир эмасман,  
Шеър ёзаман аммо тинмайин.

Ҳамма нарса ўтади-кетар,  
Бойлик қолмас абад ҳеч кимда.  
Мен аминман ушбу шеърларим,  
Қолар албат қайсидир дилда.

Ўч бўлмагин бойликка ҳеч ҳам,  
Ҳақ инсон бўл, яхшиликни бил.  
Бой бўлсанг ҳам, ҳаётда аммо,  
Эй, одамзод софдил инсон бўл.

Шоирликка шоир эмасман,  
Шеър ёзаман аммо тинмайин,  
Мағрурланма бўлсанг бадавлат,  
Сен ҳам инсон худди мендайин.

## ТАФОВУТ

*Сен яхшисан,  
Мен ёмондирман.*

*Э. Воҳидов*

Сен ҳам инсон, мен ҳам инсонман,  
Аммо бордир ўртамизда фарқ.  
Хислатимиз бир эмас дўстим,  
Ҳасратимиз бир эмас ўртоқ.

Сен бахтлисан, мен эса бахтсиз,  
Сен тириксан, мен эса ўлик.  
Орзуларим бари умидсиз,  
Сен чиройли, мен эса кунук.

Сен куласан, сенда бор қувонч,  
Менинг кўзим доим тўла ёш.  
Сен чидамли, сабрли инсон,  
Менда эса сира йўқ бардош.

Сенда бор дўст, менда йўқ сирдош,  
Сен яхшисан, мен-чи ёмонман.  
Ўртамизда фарқ бўлсин аммо,  
Сен бор бўлсанг, мен ҳам омонман.

## МЕХР ИСТАГАН ҚАЛБИМ

Мехр истаган қалбим,  
Яна армонда қолдинг.  
Ҳеч ким билмади дардинг,  
Қалбим, кимга ишондинг.

Кўрганларим бўлди гап,  
Дидда соғинч, кўзда нам.  
Менда шундай ҳислар бор:  
Қайғу, ҳасрат ва алам.

Соғинчларда қолдим мен,  
Олов бўлиб ёндим мен.  
Юрагимда бир орау,  
Менга армон бўлдинг сен.

Мехр истаган қалбим,  
Ҳеч ким билмади қадрим.  
Энди хаёл бўл қолди,  
Менинг диддаги бахтим.

## СЎНГАН ОРЗУ

Ҳасрат қалбимни эгаллаб олди,  
Бўлди бу қайғуга юрагим кўнган.  
Орзуим ушалмас бир армон бўлди,  
Қалбимда меҳр ва муҳаббат сўнган.

Чарчадим ҳастнинг қисматларидан,  
Бардошим етмайди, етмас иродам.  
Чарчадим бераҳм, ғамгин дунёдан,  
Тоқат қилмоқликка қолмади жон ҳам.

Гоҳида дунёдан кетгим келади,  
Гоҳида қалбимни босади нафрат.  
Менинг ҳам бахтларга етгим келади,  
Аммо тарк этмади мени ғам, ҳасрат.

Менинг ҳам ўзимнинг орзуим бор-ку,  
Нега тушунмайин қалбим қийнайсиз.  
Меҳрга менинг ҳам юрагим зорку,  
Афсус бу ҳисларим сизлар билмайсиз.

Билсангиз кўнглимни оғритган сизлар,  
Вужудим ғам-қайғу, дардга тўлдирган.  
Беғубор умидим, шўх орзуларим,  
Барчасини қалбимда сизлар сўндирган.

## СЕВОЛМАЙМАН

Йўқ, севишимга бермангиз имкон,  
Ҳаётда сиз билан мангу қолмайман.  
Қалбимиз ҳислари ўткинчи, ёлғон,  
Мен сизни ҳеч қачон сева олмайман.

Шунчалар кучсизми менинг юрагим,  
Ўзимга ўзим ҳам ишоналмайман.  
Сиз эса сеvasиз шунда ҳам мени,  
Мен эса сизни ҳеч сева олмайман.

Менинг пешонамга ёзилган қайғу,  
Аmmo мен ҳаётдан ҳеч нотимайман.  
Биламан сиз мени сеvasиз мангу,  
Афсус мен сизни сева олмайман.

Қўйинг, бағишламамг менга умрингиз,  
Сиз кутган бахтларни бера олмайман.  
Биламан барибир менда кўнглингиз,  
Лекин мен сизни сева олмайман.

## КҮНГИЛГА САВОЛ

Нега кўнгил сенсиз яшайди,  
Нега кўнгил ёлғиз яшайди?  
Нега фақат кўз ёш тўкар у,  
Нега қалбни тарк этмас туйғу?

Нега юрак фарёд солади,  
Нега дилда армон қолади?  
Нега гамга етмайди бардош,  
Нега кўздан тўкилади ёш?

Нега шундай яралган кўнгил,  
Нега нафас олмайман енгил?  
Нега ёлғиз ўтади умрим,  
Нега бахтсиз яралган кўнглим?

Нега қалбда яшайди жимлик,  
Нега мени қийнар ёлғизлик?  
Нега бунча юрак умидсиз,  
Нега севгим яшайди сенсиз?

## САВОЛ

Юрак! Сенга бир саволим бор,  
Нега мени бунча қийнайсан?  
Бахтларимни, орзуларимни,  
Армон қилиб қалбим тиглайсан.

Нега мени севмаганларни,  
Севгисига зор қиласан айт.  
Қалбимдаги ҳис-туйғуларни,  
Хароб қилмоқ ниятингдан қайт.

Етармикан азобларингга,  
Дилнимдаги сабр ва бардош.  
Кетармикан армон излари,  
Тўхтармикан кўзимдаги ёш.

Саволларим сенга кўп, аммо,  
Жавобсиздир, бари бефойда.  
Юрак... Бахтсиз яралдимми ё,  
Ёки айтгил бахт йўли қайда?



## СЕВОЛМАЙМАН СЕНДАН БОШҚАНИ

Шеърлар ёзиб шоир бўлсам гар,  
Севардингми мендек болани.  
Қалбим сенга аталган мангу,  
Севолмайман сендан бошқани!

Севиш ёки гувоҳми, айбми?  
Севиш бахтми? Билсанг айт қани.  
Юрак тинчлик бермас не қилай,  
Севолмасам сендан бошқани!

Атрофимда парвона бўлсам,  
Сезардингми мендек болани.  
Қалбим сенга аталган билсанг,  
Севолмасман сендан бошқани!

Ўртамагин юрагимни сен,  
Қийнамагин бунчалар мани.  
Не қилсам ҳам унутолмайман,  
Севолмайман сендан бошқани!

Ширин сўзинг дардимга малҳам,  
Билсанг сени қанча севсам кам.  
Дилимга кўп азоб берсанг ҳам,  
Севолмайман сендан бошқани!

## **ВАФОСИЗ МУҲАББАТ**

Севсиз қалбда орзуларим армон бўлди,  
Хаселларим сени излаб сарсон бўлди.  
Менга берган ваъдаларинг ёлғон бўлди,  
Юрагимни ғашлаб кетган муҳаббатим!

Айтгин айбим нима эди? Севганимми?  
Ёки сенга бор меҳримни берганимми?  
Ё севгимга мағрур бошим эгганимми?  
Кўзларимни ёшлаб кетган муҳаббатим!

Сени ахир ўзимдан ҳам қизғонардим,  
Сенга боққан кўзимдан ҳам қизғонардим.  
Айтган ширин сўзимдан ҳам қизғонардим,  
Мени ёлғиз ташлаб кетган муҳаббатим.

## ДАРД

Ёмғир ёғар. Юрагим йиғлар,  
Ёмғир ёғар. Қалбимни тиглар.  
Ёмғир ёғар, кечаю-кундуз,  
Ҳеч бир нарса кўнглимга сиғмар\*.

Ёмғир ёғар, дардимни билмай,  
Қулоқ тутмай менинг сўзимга.  
Ёмғир ёғар бир зумга тинмай,  
Яна ёшлар гўлар кўзимга.

Ёмғир ёғар, менга бериб дард,  
Шодликларим йўқотиб изсиз.  
Ёмғир ёғар, қолдириб кўп гард,  
Мен йиғлайман юрагим ҳиссиз.

Осмон бўзлар ғамимга маним,  
Бору, йўғим, камимга маним.  
Кўз-ёш тўкар шаънимга маним,  
Дардлар ошно танимга маним.

---

\* « сиғмас » маъносида.

## АРМОНЛИ ҚАЛБ

Армонли дунёда яшайман танҳо,  
Қалбимда сукунат, ҳукмрон жимлик.  
Мени тарк этмаган бир туйғу асло,  
Юракни қийнайди ҳамон ёлғизлик.

Ғамлардан қочишга уринаман мен,  
Ҳасратим айланган энди рўёга  
Ортиқча инсондек кўринаман мен,  
Бу ёруғ оламга, ёлғон дунёга.

Қалбимда янаган соф туйғуларим,  
Ҳаётим мазмунни ўшалар эди.  
Беғубор ҳисларим, шўх орауларим,  
Саробга айланди барчаси энди.

Ҳаётнинг тапшишли кунидан бошқа,  
Менга раво кўрар ўзга чора йўқ.  
Қалбимда бахт, шодлик, қувончдан кўра,  
Менга улфат бўлган қайғуларим кўп.

## ҚЎЛИМДА ГУЛ КАБИ СЎНГАН МУҲАББАТ

Сен мени севмайсан, ўйламайсан ҳам,  
Севгимни ўзгага сўйламайсан ҳам,  
Келар деб йўлимга бўйламайсан ҳам,  
Кечалар овунчим бўлган муҳаббат!  
Қўлимда гул каби сўнган муҳаббат!

Мен эса кутаман ҳамон интизор,  
Бир ширин сўзингни муштоқ бўлиб зор,  
Сен эса севгимни айладингми хор,  
Қалбимда қувончдек тўлган муҳаббат!  
Бир тўлин ой булиб, сўнган муҳаббат!

Айб эдимки ёки сени севганим,  
Қалбдаги боримни сенга берганим,  
Ҳаттоки тушимда ёлғиз деганим,  
Бир сенда кўзим бахт кўрган муҳаббат!  
Қўлимда гул каби сўлган муҳаббат!

Билмайман тарк этар қачон бу туйғу,  
Балки у яшайди абадий мангу,  
Бунчалар дилимга солмасанг қайғу,  
Юракда армоним сўндир муҳаббат!  
Кўнглимни нур каби тўлдир муҳаббат!

Сенсиз борлигимни кўрмайман асло,  
Ҳаётнинг бахтига тўймайман асло,  
Тақдир синовига кўнмайман асло,  
О, сенсиз умидлар ўлар муҳаббат!  
Меҳрингла қалбимни тўлдир муҳаббат!

\*\*\*

Ҳастини, орзудан фарқлай олмадим,  
Беғубор туйгудан фарқлай олмадим.  
Қалбимга кўп азоб берган инсоннинг,  
Сохта кулгусидан фарқлай олмадим.

Энди-чи яшайман армонлар билан,  
Қалбимга ғам солган ёмонлар билан.  
Энди-чи яшайман, ўзимни алдаб,  
Бир умрга кетмас ёлгонлар билан.

Умр ўзи шундай ўтиб кетаркан,  
Ташвишли кун билан ўтиб кетаркан.  
Қалбингдан қувонч ва бахтларинг олиб,  
Қўлингга қайғуни тутиб кетаркан.

## **МЕНГА ҲУШАЙДИ**

Ҳаётида севиб, суймаган,  
Умри бўйи бахтни кўрмаган,  
Қувончларга ҳеч ҳам тўймаган,  
Шундай инсон менга ўхшайди!

Ҳасратлардан чиқмаса боши,  
Қайғу-ғамда ўтса гар ёши!  
Ё бўлмаса битта сирдоши,  
Шундай инсон менга ўхшайди!

Юрагига қайғулар солган,  
Ҳаётида елғиз бўп қолган,  
Аламларда вужуди ёнган,  
Шундай инсон менга ўхшайди!

Қалби мисли жонсиз бир дарахт,  
Ҳаётда лек ҳамон яшайди.  
Нелигини билолмаса бахт,  
Шундай инсон менга ўхшайди!

## МУНДАРИЖА

Бир қиз қарашин .....	3	Кўнгилга савол .....	15
Керак эмас .....	4	Савол .....	16
Фақат сен учун .....	5	Севолмайман сендан бошқани .....	17
Севгилим .....	6	Вафосиз муҳаббат .....	18
Ёмғир ёғар... .....	7	Дард .....	19
Севмайсанми ё? .....	8	Армонли қалб .....	20
Дўстлик ва сеvgи .....	9	Кўлида гул каби сўнган муҳаббат .....	21
Шоир эмасман .....	10	«Ҳаётни, орзудан фарқлай олмадим...» .....	22
Тафовут .....	11	Менга ўхшайди .....	23
Меҳр нстаган қалбим .....	12		
Сўнган орзу .....	13		
Севолмайман .....	14		

*Адабий – бадиий наср*

**БЕҲЗОД МИРКОМИЛОВ**

**МУҲАББАТИМ**

*Шеърлар*

*Муҳаррир Азиз Саид*

*Бадиий муҳаррир Баҳриддин Бозоров*

*Тех. муҳаррир Елена Демченко*

*Мусаҳҳиҳ Заҳра Ҳасанова*

*Саҳифаловчи Нодир Раҳимов*

**ИБ № 4092**

Босилга 18.10.2005й.да рухсат этилди.

Бичими 70x84 1/32. Босма тобоғи 0,75.

Шартли босма тобоғи 0,88. Адади 1000 нуска.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 213.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбая марказида гайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.